



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 8 июль, № 135 (5050)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич КАРИМОВга

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич!

Сизнинг шу йил 26 май куни Андижонга қилган ташрифингиз давомида вилоятимиз аҳли ҳақида билдирган самимий фикрларингиз ва ишончнингиз, бизнинг камтарона меҳнатимизга берган юксак баҳонингиз барча андижонликларни чексиз руҳлантириб юборди.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашни истардикки, Сизнинг Андижонга, андижонликларга нисбатан ўзгача меҳрингизни биз доимо ҳис қилиб тураемиз. Хусусан, ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида "Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорингиз ҳам барча юртдошларимиз қалбига гурур ва ифтихор, гайрат ва шижоат бахш этди, келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ушбу қарорни биз вилоятимиз аҳли учун ниҳоятда қувончли ва шарафли, айнни вақтда ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юқлайдиган муҳим ҳужжат сифатида қабул қилдик.

Кунни кеча эълон қилинган "Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожияли воқеалар оқибатида жабр чекаганларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонингиз билан танишиб, Сизнинг одилона сиёсатингизнинг амалий ифодасини яна бир бор юракдан ҳис этдик.

Эл-юртимизга азалдан мансуб бўлган одамийлик, инсон шани ва қадр-қимматини ҳамма нарсдан устун деб билиш, кўмак ва мададга муҳтож кишиларга беминнат ёрдам бериш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилишда, энг аввало, Сизнинг шахсий ибратингиз, қатъият ва иродангиз, оқилона йўл-йўриқ ва ўйларингиз биз — Андижон аҳли учун ҳар томонлама таянч ва мадад бўлганини таъкидламоқчимиз.

Ушбу воқеалар муносабати билан Сизнинг Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ меҳнат-кашлари билан мулоқот пайтида билдирган фикрларингиз, бутун халқимизни оғир-вазмин бўлишга, "етти ўлчаб бир қишиш"га даъват этганингни барчамизга ўта қатъис ва таҳликали бир вазиятда ягона тўғри йўлни топишимизда беқиёс ёрдам берди.

Ушбу Фармонга биноан берилган мукофотлар нафақат Андижон аҳлига, балки тинч ва осуда ҳаётни қадрлайдиган, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни қарор топтириб келаётган бутун мамлакатимиз халқига кўрсатилган юксак эътибор ифодаси, деб биламиз.

Биз — Андижон вилояти аҳли номидан ана шундай ҳурмат-эътибор учун Сизга яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираемиз. Сиз бошлаган мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юртимизни ҳар томонлама раванг топтириш, келгуси авлодларга озода ва обод Ватан қолдиришдек улғу ва муқаддас ишларнинг доимо олдинги сафлариде бўлаемиз, бу йўлда бор куч-гайратимиз, ақл-идрокимиз, билим ва салоҳиятимизни сафарбар этаемиз, деб Сизни ишонтираемиз.

Халқимиз бахтига, фарзандларимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

Андижон вилояти аҳли номидан:

**Т. ТОПВОЛДИЕВ**, «Нуруний» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари


**С. АБДУЛЛАЕВА**, Ўзбекистон Қажрамони И. ВАЛИЕВ, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси

Тўлан НИЗОМ, Ўзбекистон халқ шоири

**Т. СОДИҚОВА**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**А. НУРМАТОВ**, Маънавият тарбия маркази вилоят бўлими раҳбари

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК НАМУНАСИ



СУРАТДА: корхона ишчилари М. Мадаминов, Э. Содиков ва Д. Гулметов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

Бугун мамлакатимизни улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Шаҳару қишлоқларимизда замонавий тураржойлар, кўркам иншоотлар, мухташам ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигидан далолат беради, албатта.

### Жараён

Этиборлиси, қурувчиларимиз иморатларни тиклаш ва таъмирлашда ноъанавий маҳсулотлар, жумладан, турли тош қопламалардан моҳирона фойдаланишаётир. Бундай материалларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Тошкент вилоятининг Фазалкент шаҳрида фаолият юритаётган "Kinertash" қўшма корхонаси мамлакатимизда тошга ишлов бериш корхоналари орасида етакчи жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда гранит ва мрамрдан мураккаб шакл ҳамда турли ўлчамдаги қурилиш-боп маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Уларнинг сифати юқорилиги боис талаб йил сайин ошиб бораётир. Айтайлик, 2008 йилда 27 миң квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 32,4 миң квадрат метрни ташкил қилди.

Қўшма корхона жамоаси жорий йилда ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш мақсадида гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Ўтган беш ой давомида 24700 квадрат метр маҳсулот тайёрланиб, шундан 2903 квадрат метри экспортга чиқарилди.

## МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ХАЛҚИНГИЗНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАНДИР

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари шаҳар-қишлоқларимиз кўрғига кўрк қўшмоқда. Жумладан, Тошкентнинг таровати, мухташам иншоотлари, хушманзара табиати ва сўлим гўшалари ҳамда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик хорижий сайёҳларни тобора кўп жалб этмоқда. ЎзА мухбирлари пойтахтимизнинг тарихий обидалари ва замонавий иншоотлари, музейлари ва гўзал хиёбонларини томоша қилаётган сайёҳларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

**Жузеппе МАРТИНИ** (Италия):

— Ўзбекистонга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Самолётдан тушим билан юртингизнинг илиқ тафти, халқингизнинг меҳмондўстлиги эътиборимни тортди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида кўп эшитганман, уларни ўз кўзим билан кўриш озуим эди. Ниҳоят, озуим ушалганидан, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғил-

ганидан жуда хурсандман. Ўзбекистон кўчаларидаги хилма-хил замонавий ма-

курсастиш савияси жуда юксак. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик ва бар-

қарорлик Ўзбекистоннинг энг катта ютуқларидандир.

**Масъуд ҲОШИМ** (Кувайт):

— Мамлакатингизга беш йил аввал келган эдим. Бу сафар Тошкентни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги чирой оҳганини кўриб, лол қолдим. Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга.

Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётганига ва улар юксак самаралар бераётганига ғувоҳ бўлдим. Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимининг йил сайин кенгайиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир.

Мамлакатингизнинг бозорлари ўзининг батартиблиги, озодалиги ва тўқинлиги билан ажралиб туради. Уларда истаган нарса-ни топиш мумкинлиги, маҳсулотлар сироблиги, кўзни қамаштирувчи миллий ва замонавий либослар, хилма-хил ҳунармандлик буюмлари бисёрлиги киши ақлини шоширади.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУНЧИЛИК, ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Тиббиёт қонунчилигида фаннинг амалиёт билан бирлиги масаласи: муаммо ва ечимлар" мавзуда анжуман ўтказилди.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишга оид муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ҳамда соҳада олиб борилаётган илмий излашлар натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асос-

лари яратилган бўлиб, бу борада муайян ишлар олиб борилаётир. Ҳозирда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар 13 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 42 та қарори ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 116 та қарори билан тартибга солиб келинмоқда. Зотан, аҳолига юқори сифатли ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг

қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Шу маънода, юртимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш механизми принципа-л жиҳатдан қайта қўрилиб, замон талаб ва эҳтиёжларидан, маҳаллий шарт-шароитлардан, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда мутлақо янги тарзда ташкил этилди.

Бирок ҳар доим ҳам хасталикларнинг олдини олиш ва даволал чораларини кўришда амалдаги қонунларда белгиланган доирада тиббиёт илм-фани ютуқларидан ўринали ва унумли фойдаланилмоқда, дея олмаймиз.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**БУХОРО.** Вобкент туманидаги "Намуна Альфатекс" масъулияти чекланган жамиятида йилга 54 миң метр брезент матоси ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.

**Янги қувватлар шарофати**  
Бу эса ҳудуддаги пахта қайта ишлаш корхоналарининг шу маҳсулотга бўлган аҳтиёжини тўлиқ қондиради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда "Микрокредитбанк" томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди.  
Туманда шу каби янги қувватларнинг ишга туширилиши эвазига ҳозиргача 2500 тадан зиёд янги иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ХОРАЗМ.** Гурлан туманида шифер томёқич материаллари ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлади.

**Тадбиркорлик меvasи**  
Тадбиркор Илҳом Каримов сай-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу корхонада замонавий технологиялар ёрдамида ойга 8-10 миң квадрат метргача қурилиш хом ашёси тайёрланмоқда. Бу ерда йил охирига қадар 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.  
Таъкидлаш кераки, туманда шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 3 миллиард 416 миллион сўмликдан зиёд сановат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 46 фоизлик ўсишга эришилди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ТОШКЕНТ.** Республика Халқ таълими вазирлиги, "Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Табиат: кеча, бугун ва эртага" мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

## Табиатга меҳр

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан фан ўқитувчилари, эколог олимлар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Анжуман қатнашчилари юртимизда ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, она-табиатга меҳр уйғотиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЛЕКТРОН ҲИСОБ-КИТОБ РИВОЖЛАНМОҚДА

2010 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

2,9 баравар ошди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар ва ўрнатилётган терминаллар сони муттасил кўпайтирилаётгани туфайли электрон ҳисоб-китоб тобора оммалашиб, соҳада ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.



(Давоми 2-бетда).





Фахр

# Нон юртин Ўзбекистон

Аждоди авваллардан қолган доно фикр бор,  
Сўзимиз авалида шукур бордир, шукур бор.  
Ризқимизнинг аввали бошоқлаган бугдодбор,  
Хар хирмонда барака чироқ ёққан палласи,  
Шу чироқлар чиройи Ўзбекистон ғалласи.

Озад, оבוד ўлкада жисму жонинг хур бўлагай,  
Эл учун ризқ яратсанг, томчи теринг дур бўлагай,  
Ғаллаг бўласа, мўла бўласа, юзинг тўла нур бўлагай,  
Қўшиқ айтсанг қўшиқгай эл элат, ҳаммаси,  
Новодайин наводир Ўзбекистон ғалласи.

Дерлар, Тошкент нон шаҳри, нон юрти Ўзбекистон,  
Султони саодатманд, шон юрти Ўзбекистон,  
Эзгулик осмонда тоғ юрти Ўзбекистон,  
Тинчлигимиз тумори ҳар онанинг алаиси,  
Шода-шода шодликдир Ўзбекистон ғалласи.

Момолар мохтоблар сурлар ёйсалар,  
Балалар офтоблар ширмой нонга тўйсалар,  
Дехқонбобо бу дамлар қувончга юз чайсалар,  
Бундай бахтни беҳиштондан топиб бўлмас чамаси,  
Жаннатга ҳам жамолдир Ўзбекистон ғалласи.

Бу Ватанда инсонни азиз тутмоқ одатдир,  
Хар бир миллат хуш бундо, кўраги саодатдир,  
Дунё тинчлигин сўрмоқ энг олий ибодатдир,  
Нони бутун ўзбекинг, ҳеч қимдан йўқ тамаси,  
Ўзбекистон юзидир Ўзбекистон ғалласи.

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири.

## Мумтоз кўшиқлар танлови

Анъанавий катта ашула,  
мақом, миллий мумтоз мусиқа  
санъатини янада ривожлантириш,  
сайқал бериш, шу йўналишда  
ижод қилаётганлар маҳоратини  
ошириш ва ниҳоят, иқтидорли ёш  
ижрочиларни кашф этиш мақсадида турли  
ижодий беллашувлар, кўрик-танловлар  
ўтказиши анъанга айлиб қолди.

Андижонда бўлиб ўтган ана шундай танловлардан бири — мақом жамоалари ҳамда катта ашула ижрочиларининг вилоят босқичи мумтоз санъатимиз байрамига айлиб кетди.

Мақом жамоалари йўналиши бўйича Андижон шахрининг "Мақом" халқ дастаси ғолиб деб топилди. "Энг яхши қиз овози" ҳамда "Энг яхши йигит овози" йўналиши бўйича андижонлик Рўзихон Нурматов ва билан Булоқбоши туманилик Анварбек Олимовга тенг келадигани бўлмади. Кўргонтепаллик созандалар эса "Энг яхши чолгу дастаси" сифатида алоҳида эътироф этилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ОБ-ҲАВО

(8 июль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаки 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.  
**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.  
**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаки 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.  
**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаки 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.  
**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент шаҳри.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаки 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.  
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз терма жамоалари захирасини иқтидорли ёшлар билан тўлдириб боришда ихтисослаштирилган спорт коллежлари муҳим аҳамият касб этмоқда.  
Бу борада уч йил муқаддам фаолият бошлаган Навоий спорт коллежининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ушбу таълим масканида 1147 нафар ўқувчи миллий кураш, бокс, футбол, эркин ва юнон-рум кураши, бадий гимнастика каби жами ўн икки спорт тури бўйича машғулотларда иштирок этмоқда.

# КАТТА СПОРТГА ЙЎЛ

— Ўқув юртимизда ёшларнинг спорт билан тўлақонли шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди жисмоний тарбия бўлими раҳбари Азиз Шомуродов. — Бунинг натижасида коллежимиз тарбияланувчилари республика чемпионатлари ва турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Қолаверса, 43 нафар ўқувчимиз спортнинг у ёки бу туридан Ўзбекистон терма жамоаларининг аъзолари ҳисобланишди. Айниқса, эркин ва юнон-рум кураши ҳамда бокс тўрагаги қатнашчилари кўлга киритаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда.

Масалан, коллежининг учинчи босқичини тамомлаган Дилором Ражабова шу йили эркин кураш бўйича ўтказилган бир неча мусобақаларда муваффақиятга эришди. Жумладан, май ойида Халқаро спорт курашлари ассоциацияси (FILA) томонидан ташкиллаштирилган йирик турнирда совриндор бўлди. Нуфузли мусобақа дунёнинг 22 давлатидан вакиллар қатнашганлигини ҳисобга олсак,

бахслар жиддий кечганлиги ўз-ўзидан ойдинлашди. Шунингдек, у Андижонда ўтказилган республика чемпионатида яна

ўтадиган Осий биринчилигига йўланма олди. Д. Ражабова билан эркин кураш бўйича машғулотларда қатнашган

республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, спорт устаси талабини баждари ҳамда Навоий давлат педагогика институтига ўқитиш учун имтиёзга эга бўлди.  
Шоҳруҳ болалигидан миллий кураш бўйича

руҳ Чимкент ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган турли мусобақаларда совринли ўринларга сазовор бўлди.

— Асосий мақсадим, Осий ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб, юртимиз дову-

## Истеъодлар учун маҳорат мактаби

Юртимизда ёш авлоди баркамол қилиб воғая этикага қаратилган эътибор тури соҳалар қатори, спортда ҳам кўплаб иқтидор эгаларини кашф этиш имконини бermoқда.

Жиззах Олимпия захиралари коллежиде ташкил этилган навбатдаги тадбир ҳам ана шу эзу мақсадга хизмат қилди. Аниқроқ айтганда, мазкур илим масканида республикамиздаги Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари йўлига бағишлаб бокс бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди. Унда 100 дан ортиқ ёш чарм кўлоп усталиридан таркиб топган 12 та жамоа иштирок этди.

### Бокс

Беш кун давом этган чемпионатда ёш боксчилар ўн бир вазн тоифасида рингга чиқдилар. Кескин ва мураси сиз кечган беллашувларда жамоавий ҳисобда Андижон, Чирчиқ ва Тошкент шаҳри вакиллари қучли ўқини ҳосил қилишди. Қолаверса, урганлик, намаганлик, Жиззахлик ҳамда самарқандлик ёшлар ҳам ўзларига билдирилган ишончини оқладилар. С. Хурсандбоев (48 кг.), П. Ҳожиёв (51 кг.), Ф. Аҳмедов (54 кг.), А. Асанов (57 кг.), Ф. Полвонов (60 кг.), У. Ҳақбердиев, А. Ҳақимов (69 кг.), З. Махаматов (75 кг.), У. Заринаев (81 кг.), Б. Фуломов (91 кг.), Ф. Мингбаев (91 кг.)дан оғир вазнда) каби ёш ва умидли спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Улар келажакда юртимиз байроғини халқаро майдонларда ҳам сарбалавд этдилари, шубҳасиз.

У. АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



2010 йил — Баркамол авлод йили

бир бор ўз маҳоратини намойиш этиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Дилором ушбу муваффақият эвазига олий ўқув юртига имтиёзга киритилган ва ёшлар ўртасида бўлиб

Ўғилой Ҳожиёва ва Хилола Бахромова кўлга киритаётган ютуқлар ҳам тахсинга лойиқ. Коллежининг яна бир ўқувчиси Шоҳруҳ Худойеров ҳам Андижонда ўтказилган эркин кураш бўйича

Шундан сўнг Кармана туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде тажрибали мураббий Тўймурод Адизовга шогирд тушди. Устози ундаги интилиш ва иқтидорни кўра олди. Натижада Шоҳ-

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Ҳасан ПАЙДОВ  
олган сурат.

## «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги, Тошкент шаҳрида жойлашган

# «ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
қуйидаги вазифаларга танлов (конкурс) эълон қилади:

Юристконсулт 1 ва 2-тоифали.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади: олий юридик маълумотга эга ва камида уч йил юридик хизмати ходими лавозимида ишлаган бўлиши лозим.

Назорат-ўлчов ускуналари ҳамда автоматика муҳандиси ва электр чилангарини.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади: донни қайта ишлаш соҳасида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши лозим.

Донни қайта ишлашда технологик ускуналарини таъмирлаш чилангарини, электр-созловчини.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади: донни қайта ишлаш соҳасида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши лозим.

Тунукачи, гишт терувчи, дуралдор, сувоқчи, пардозчи.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади: қурилиш ишлари соҳасида тажрибага эга бўлиши лозим.

Ишга қабул қилинадиган номзодлар тураржойи Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти рўйхатида қўйилган бўлиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Пахлован Маҳмуд 2-тор кўчаси, 33-уй, «Тошкентдонмаҳсулотлари» ОАЖ. Муружаат учун телефонлар: (+99871) 289-62-03, 289-61-97.

# Tucson

Ўз йўлини танла!



Drive your way

Махсулот сертификатланган.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.  
**HYUNDAI Official Partner** www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Таҳририятда келган кўпмаъра таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилган ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан санжаланди.

ⓧ — Таърирот материаллари

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲА ақуни — 20.35 Топширилди — 21.20

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбийдиров. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.